

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИДА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Эргашев Ғиёс Бахром ўғли

ТДИУ, PhD докторант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11029580>

**Аннотация.** Президентимиз ялпи ички маҳсулотни ошириши бўйича катта марра олинганини, лекин бунга фақат ички инвестиция ва ички бозор билан эришиб бўлмаслигини айтди: “Ягона тўғри йўлимиз – хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва экспортни кўпайтириши”. Ш.М.Мирзиёев бевосита инвестиция, саноат ва экспортга масъул 11 та вазирлик ва идора, 10 та уюшма, хориждаги дипломатик ваколатхоналар, бундан ташқари, барча вазирлик, тармоқ ва ҳудудларда экспорт ва инвестицияга масъул раҳбар ўринбосари фаолият юритаётган инвестициялар ва ташқи савдо тизимининг фаолияти жуда суғлигини кўрсатиб ўтди.<sup>1</sup>

**Таянч иборалар:** назарий билим, илмий асос, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, экспорт, иқтисодий самарадорлик, экспорт салоҳияти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.

**Аннотация.** Президент заявил, что достигнута великая цель в плане увеличения валового внутреннего продукта, но ее невозможно достичь только за счет внутренних инвестиций и внутреннего рынка: "Наш единственный правильный путь - активно привлекать иностранные инвестиции и увеличивать экспорт". Ш.М.Мирзиёев непосредственно отвечает за инвестиции, промышленность и экспорт 11 министерств и ведомств, 10 ассоциаций, дипломатических представительств за рубежом, кроме того, заместитель руководителя отвечает за экспорт и инвестиции во всех министерствах, отраслях и регионах, деятельность инвестиционной и Система внешней торговли весьма показала свою слабость.

**Ключевые слова:** теоретические знания, научная основа, сельскохозяйственная продукция, экспорт, экономическая эффективность, экспортная компетентность, аграрная экономика.

**Abstract.** The President said that a great goal has been achieved in terms of increasing the gross domestic product, but it cannot be achieved only through domestic investment and the domestic market: "Our only correct path is to actively attract foreign investment and increase exports." Sh.M. Mirziyoev is directly responsible for investments, industry and exports of 11 ministries and departments, 10 associations, diplomatic missions abroad, in addition, the deputy head is responsible for exports and investments in all ministries, industries and regions, investment activities and the foreign trade system really showed her weakness.

**Key words:** scientific basis, agricultural products, export, economic efficiency, export competence, agricultural economy, theoretical knowledge.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш асосида республикаимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Ушбу мақсадга эришишда

<sup>1</sup> <https://daryo.uz/2024/01/18/shavkat-mirziyoyev-investitsiya-vazirligi-faoliyatini-tanqid-qildi>

агросаноат мужмуида етакчи соҳа ҳисобланган қишлоқ хўжалиги фаолиятини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш, тўлиқ озиқ-овқат мустақиллигига ўтиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида соҳада чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Шу сабабли мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатидан янгилашлар юз бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади-деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Приезиденти Ш.М. Мирзиёев.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган озиқ-овқат ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспортини кўпайтириш орқали халқаро бозорга кириб бориш масаласи ҳам долзарб масалалар сифатида эътироф этиш мумкин. Республика минтақалар иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакат минтақаларининг экспорт салоҳиятини юксалтиришга боғлиқдир.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги **ташқи иқтисодий фаолиятида** экспорт салоҳиятини жадал ривожлантиришнинг устувор йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган мамлакатимизнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир. Ўзбекистон катта хом-ашё захиралари ва юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Бу эса давлатимизнинг жаҳон меҳнат тақсимотида кенг иштирок этишига имкон яратади.

Иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларнинг жаҳон иқтисодий алоқаларига уйғунлашиб кетиши миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омили саналиб, мамлакатнинг етакчи тармоқларини жаҳон бозорларида мавжуд шарт-шароит ва талаб нуқтаи-назаридан такомиллаштириб боришни ҳамда корхоналарда хўжалик юритишнинг бутунлай янгича иқтисодий ва бошқарув муносабатларини шакллантиришни тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти юқори сифатли ва жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни талаб этади. Шунинг учун ҳозирги глобаллашув жараёнида жаҳон талабларига мос товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва уларни эркин ҳаракатини кенгайтириш, ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо борасидаги давлат сиёсати қатор мақсадларни кўзлайди. Экспортнинг барқарор ўсишига кўмаклашиш ва унинг номенклатурасини кенгайтириш, хорижга рақобатбардош товарлар ва хизматлар етказиб бериш самарадорлигини ошириш, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг хавфсизлигини таъминлаш асосий мақсадлардан ҳисобланади.

Мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштироки, мамлакатнинг валюта тушумининг асосий манбаи бўлган экспорт салоҳиятига асосланади. Экспортнинг кенгайтиши иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун янги имкониятлар очади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ташқи савдо ҳажмининг сезиларли ўсиши ва экспорт таркибининг яхшиланиши кузатилмоқда.

Ўзбекистонда экспорт фаолиятини янада ривожлантириш янги бозорларни эгаллаш учун катта салоҳият мавжуд. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон учун МДХ мамлакатлари масофанинг яқинлиги, транспорт инфратузилмасининг қулайлиги, ўхшаш техник талаблар ва истеъмолчиларнинг афзалликлари туфайли истиқболли бозорлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда экспортнинг таркиби кўпайиб, хомашёга нисбатан тайёр маҳсулот экспортининг улуши ортиб борапти. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти Ўзбекистон учун келгусида жаҳон бозорларини эгаллаш учун катта истиқболларга эга.

Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятининг ошишига ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари анъанавий истеъмол бозорларининг қайта тикланиши ва кенгайтиши яна бир омил бўлиб ҳисобланади. Бироқ ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини таққослаганда, сотиш бозорлари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги аниқ бўлади.

Аграр соҳа **ташқи иқтисодий фаолиятида** экспорт салоҳиятини жадал ривожлантиришнинг устувор йўналишлари соҳа экспортининг таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларни белгилаб беради:

- Хомашё экспортини қисқартириб, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган тайёр маҳсулотлар экспортини кўпайтириш;
- Ташқи савдога хизмат қилувчи инфратузилмани янада ривожлантириш;
- Иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш;
- Маҳсулот таннархини пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардош-лигини таъминлаш;
- Иқтисодиётни техник-технологик қайта қуроллантириш асосида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш;
- Янги маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш.

Ушбу санаб ўтилган, экспортнинг ривожланишига таъсир кўрсатаётган омилларни тартибга солишда ва бартараф этишда, шубҳасиз, давлатнинг асосий роли иқтисодиётни эркинлаштиришни жадаллаштириш ҳамда экспортни тартибга солувчи, рағбатлантирувчи ягона давлат тизимини ва экспортга кўмаклашиш чора-тадбирлари механизмининг барпо этишда намоён бўлиши керак.

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар экспорт салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўплаб турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда йирик салоҳиятга эга.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни

кўллаб-қувватлашни кучайтириш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси:** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида халқаро маркетинг воситаларидан тўла-тўқис фойдаланади. Компаниялар халқаро маркетинг усулларида фойдаланган ҳолда хорижий мамлакатлар бозорида ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш доирасида рақобат позицияларини мустаҳкамлайдилар. Халқаро маркетинг ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида ташқи иқтисодий фаолиятнинг хусусиятларини, кўламини ва эҳтиёжларини ўзида ифода этади[3] ва истеъмолчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда компаниянинг ишлаб чиқариш ва савдо тизимини қайта ташкил қилади ҳамда тартиб солади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий экспорт маҳсулотларидан ҳисобланади. Ҳар йили 500 млн. АҚШ доллари атрофида Ўзбекистон заминиде етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари хориж бозорларида сотилмоқда.

Хўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари анъанавий истеъмол бозорларининг қайта тикланиши ва кенгайиши Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишида асосий омиллардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Республикада ташқи савдо айланмаси 2021 йил январ-декабр ойларида 27,0 млрд. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт 14,0 млрд. АҚШ долларини ва импорт 13,0 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси салдоси 945,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Охириги йилларда Республиканинг экспорт таркибида қарийб барча товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиш кўзатишмоқда. 2017 йил январ-декабр ойларида ташқи савдо айланмаси салдоси 945,5 млн. АҚШ долларни ташкил қилди, шундан МДҲ давлатлари билан 809,5 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан 136,0 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

**Таҳлил.** Одатда, компанияда маркетинг тадқиқотини амалга ошириш вазифалари транспорт, молия, бухгалтерия каби бошқа турли бўлимларга тақсимланади.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро савдога тобора кичик-кичик компаниялар кириб боришлари йирик компанияларни ташқи бозордаги позициясига жиддий таъсир кўрсатиб келяпти. Йирик ва кичик компанияларнинг бозордаги тактик ва стратегик вазифалари турлича бўлиши мумкин: талабни кучайтириш ва шу асосда ишлаб чиқариш ҳажмини оптималлаштириш, маҳсулотларни истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига қараб техник имкониятларини ўзгартириш ва бошқалар.

Шу билан бирга, компаниялар ташқи бозорга чиқиш билан боғлиқ бўлган турли рискларга барҳам беришлари ёки уларни пасайтиришлари керак. Бунда турли сегментлардаги харидорларнинг ҳолати, маҳсулотларнинг ҳаётлик босқичини ташқи бозордаги талабни ошириш ҳисобига узайтириш, бозордаги позицияларни рақобатчилардан ҳимоя воситаси сифатида диверсификациялаш, сарф-харажатларни камайтириш, мамлакатнинг қиёсий устунлик имкониятларини татбиқ қилиш асосий мезон ҳисобланди.

**Хулоса.** Юкоридагиларда келиб чиққан ҳолда, республикамиз кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланувчи компанияларининг ташқи бозордаги фаолияти муваффақиятли бўлиши замирида халқаро маркетинг тамойилларига тўлиқ риоя қилиш билан бирга оқилона маркетинг тадқиқотини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўринади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ваҳобов А. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши: озиқ-овқат саноати ҳамда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида тўсқинликлар ва имкониятлар. // Ўзбекистон иқтисодиёти. –2016. -№1. 104-116;
2. Абатуров В. Продовольственная опасность. //Экономическое обозрение. Ташкент, 2017. №8. с.50-54. 3. Мухитдинова У.С. Методология и методика оценки эффективности функционирования рынка плодоовощной и виноградной продукции. // Экономика и финансы. Москва. 2018 - №11 (150) ноябрь. с. 68-69.
3. Ш. Мирзиёев. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятини кундалик қоидаси бўлиши керак” Т.: Ўзбекистон,2017.
4. Экспорт фаолияти бўйича кўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014.
5. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005.-273 б.
6. Барсукова С. В. Международный маркетинг: проблемы и перспективы развития // [Вестник Финансового университета](#), 1999, №3
7. Шибаяев М. А., Забудьков В. А. Глобализация мировой экономики как предпосылка развития международного маркетинга // [Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований](#). 2015, № 5-1.
8. Касаткина Е. А., Градобоев В. В. Основные черты международной маркетинговой политики в современных условиях. [Транспортное дело России](#), 2012, №6-1
9. Шейман С. В. Нужны ли бизнесу маркетинговые исследования// [Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены](#). № 4 (84). 2007